

ТАБИЙ ЯЙЛОВЛАР ЎСИМЛИКЛАРИ МОНИТОРИНГИНИ
ЮРИТИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ
(НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

УЎК: 631.4:631.6:528.8

Абдуллаев Низоматдин Базарбаевич

“Ўздаверлойиха” ДИЛИ бўлим бошлиғи

Аннотация. Мақолада Навоий вилоятида табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги ишларини мониторинг пунктларини танлаш усули билан амалга оширишнинг афзалликлари юзасидан амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Табиий яйлов ўсимликлари, мониторинг пункти, мониторинг майдончаси, инвазив, дала дафтарчаси, трансект, ўриш майдончаси, туплар моделларини қайд этиш карточкаси, мониторинг пункти паспорти.

Кириш. Иқлим ўзгаришларининг яйлов экотизимларига салбий таъсири натижасида чорва молларини озуқа билан таъминлаш имкониятлари тобора чекланиб бормоқда. Айниқса, чўл яйловларининг ҳосилдорлиги паст бўлиб, куруқ модда ҳисобида одатда 1,5-3,0 ц/га дан ошмайди. Ёғин-сочин миқдори кўп йилларда ҳосилдорлик икки бараваргача ортиши мумкин бўлса, қурғоқчил йилларда 0,5-1,0 ц/га гача пасаяди. Шу билан бирга, озуқа таркибидаги протеин ва оксил миқдори ҳам кескин камаяди.

Шу боис, чўл яйловларида мунтазам мониторинг олиб бориш, уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш, деградация жараёнларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда келгуси ҳолатини прогноз

килиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай кузатувлар яйловлардан оқилона фойдаланиш ва чорвачиликнинг барқарор озуқа базасини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси. Яйловлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида ҳукуратимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги ва “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 737-сон ҳамда 2022 йил 14 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-сон, 2024 йил 12 мартдаги «Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш ҳамда яйлов деградациясига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 126-сон, 2026 йил 25 майдаги “2026 - 2030 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарорларида айнан табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритишга қаратилган вазифалар белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, табиий яйловлардан самарали фойдаланишда табиий яйловлар тўғрисидаги миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳақида тезкор ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида кузатиш олиб бориш бўйича амалдаги тизимнинг такомиллашмаганлиги табиий яйловлар ўсимликларининг ҳолатини кузатиш, табиий

ййловлардан фойдаланиш соҳасида бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Табиий ййловлар ўсимликлари мониторингини махсус танланган мониторинг пунктларида амалга ошириш ййловларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, ўсимлик қоплами ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш натижасида юзага келаётган ўзгаришлар ҳақида тизимли маълумот тўплаш имконини беради. Мониторинг пункти муайян жараёнларни кузатиш учун танланган намунавий майдон бўлиб, у орқали ййловлар ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш, салбий жараёнларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини белгилаш мумкин. Мазкур усул мониторинг ишларининг тезкорлигини ошириш, вақтни тежаш ва сарф-харажатларни камайтириш билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, республикамизда табиий ййловлар ўсимликлари мониторингини ташкил этишда мониторинг пунктларини илмий асосда танлаш ййловлар ҳолатини мунтазам кузатиш, улардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 737-сон қарорига 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида”ги низомнинг 26-банди 2-қисмида табиий ўсимликлар мажмуилари ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни устидан кузатишлар мониторинг пунктларида, шунингдек, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрини юритиш доирасида ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги мазкур 737-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг йиллик режа-топшириғига асосан Республикамиз вилоятларида бўлгани каби Навоий вилояти ҳудудида жойлашган (Ўрмон хўжалиги ерларидан ташқари) яйловларда ҳам 2022-2025 йилларда табиий яйловлар ўсимликлари мониторинги ўтказилиб келинаётир.

2025 йилда ўтказилган мониторинг натижаларига батафсилроқ тўхталсак: Навоий вилояти ҳокимининг тегишли фармойишига асосан ташкил қилинган Ишчи гуруҳи аъзолари билан биргаликда “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти мутахассислари томонидан Навоий вилоятида мавжуд 6 720 652 гектар (Ўрмон хўжалиги агентлиги хўжаликлари яйловларидан ташқари) майдондаги табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинг ишлари олиб борилди. Вилоят бўйича жами 181 та мониторинг пунктлари ва уларда кузатиш ишларини олиб бориш учун жойнинг табиий-ҳудудий мажмуаларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган ҳар бир мониторинг пункт ичида 5 тагача, ҳар бирининг ўлчамлари тоғ олди зонасида 25×25 метр ва чўл зонасида 50×50 метр бўлган 905 та ўрганиш учун нуқталари белгиланди.

-дала ишлари жараёнида тўлдирилган дала дафтарчаси маълумотлари асосида ҳар бир мониторинг пункти учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан келишилган шаклдаги паспортлар шакллантирилди.

Ҳосилдорликни аниқлаш трансект ва ўрим майдончалари методи бўйича бажарилди.

Бунда кузатишлар мониторинг пунктларининг табиий шароитидан келиб чиқиб ҳар 10 000 гектар ва 50 000-100 000 гектар майдонга биттадан мониторинг пунктлари ўрнатилди. Дала ишлари 2025 йилнинг баҳор (апрель-май)дан ва куз (сентябрь-октябрь) фаслларида амалга оширилди.

Худудлар кесимида ҳар бир мониторинг пунктида табиий яйловлар гуруҳлари, типлари, хиллари ва турлари тарқалиши, қопланиши даражаси, деградацияга учраганлиги, қуруқ масса ҳисобидаги ҳосилдорлиги (биомасса) ўрганиб чиқилди.

Навоий вилояти бўйича ўрнатилган 181 та мониторинг пунктларида 68800 гектар яйлов майдонларида яйловларнинг қуруқ масса ҳисобидаги ҳосилдорлиги (биомасса) 2,4 ц/га (2022 йилда 2,7 ц/га, 2023 йилда 2,3 ц/га. 2024 йилда 2,5 ц/га) ни, яъни 2022 йилга нисбатан 0,3 ц/га кам эканлиги аниқланди. Худди шундай озуқа бирлиги, ўсимликлар билан қопланиш даражаси кўрсаткичлари ҳам аниқланди ҳамда ушбу кўрсаткичлар ҳам 2022, 2023 ва 2024 йилларники билан солиштирилди ва Узгидрометеорология вилоят бошқармаси тегишли метеостанциялар маълумотлари, иқлим ўзгаришлари маълумотлари ва антропоген таъсирлар асосида таҳлил қилинди.

Жумладан, ўтказилган мониторинг натижаларига кўра 2022-2025 йилларда туманлар кесимида табиий яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги кўрсаткичлари қуйидагича аниқланган (1-жадвал):

(1-жадвал)

**Навоий вилояти туманлар кесимида 2022-2025 йилларда
ҳосилдорлик кўрсаткичлари**

2022–2025 ЙИЛЛАРДА ТУМАНЛАР КЕСИМИДА ҲОСИЛДОРЛИК (ц/га)

Туманлар	2022 йил (ц/га)	2023 йил (ц/га)	2024 йил (ц/га)	2025 йил (ц/га)	2022–2025 йиллар орасидаги ўзгариш (ц/га)
Нурота тумани	3,4	3,0	3,1	2,5	-0,9
Ғозғон шаҳри	2,4	2,3	2,7	1,9	-0,5
Навбахор тумани	2,9	2,4	2,9	2,56	-0,34
Қизилтепа тумани	2,9	2,0	2,25	2,25	+0,65
Қармана тумани	2,7	2,3	2,7	2,85	+0,15
Учкудук тумани	2,6	1,9	2,6	2,83	+0,23
Томди тумани	2,7	1,9	2,1	1,9	-0,8
Конимех тумани	2,6	2,2	2,1	2,1	-0,5
Хатирчи тумани	2,3	2,2	2,5	2,4	+0,1
ЎРТАЧА (барча туманлар бўйича)	2,63	2,29	2,53	2,48	-0,15

Табиий яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги туманлар кесимида таҳлил қилинганда:

Нурота тумани: 2022 йилда 3,4 ц/га, 2023 йилда 3 ц/га га пасайган, 2024 йилда 3,1 ц/га ўсган, 2025 йилда 2,5 ц/га гача пасайган. Бунда ҳосилдорликнинг пасайиши ва ўсиши мавжудлигини кўрсатади.

Ғозғон шаҳри: 2022 йилда 2,4 ц/га, 2023 йилда 2,3 ц/га, 2024 йилда 2,7 ц/га кўтарилган ва 2025 йилда 1,9 ц/га пастлаган. Тумандаги табиий ва инсонлар фаолиятининг таъсирини кўрсатиши мумкин.

Навбахор тумани: 2022 йилда 2,9 ц/га, 2023 йилда 2,4 ц/га пастлаган, 2024 йилда яна 2,9 ц/га ва 2025 йилда 2,56 ц/га ташкил қилган.

Қизилтепа тумани: 2022 йилда 2,9 ц/га, 2023 йилда 2 ц/га га пасайган, 2024 йилда 2,1 ц/га чиқиб, 2025 йилда 2,25 ц/га ни, 2024 йилга





нисбатан

0,15 ц/га кўтарилган. Бу ҳудудда табиий яйловлар ўсимликлари сифатининг яхшиланганини кўрсатади.

Кармана тумани: кўрсаткичлар 2022 йилда 2,7 ц/га дан 2023 йилда 2,3 ц/га тушган, 2024 йилда 2,7 ц/га, 2025 йилда 2,85 ц/га кўтарилган.

Учқудук тумани: кўрсаткичлар 2022 йилда 2,6 ц/га, 2023 йилда 1,9 ц/га тушган, 2024 йилда 2 ц/га ни ташкил қилди ва 2025 йилда 2,83 ц/га кўтарилган. Туманда ҳосилдорлик ва табиий яйловлар сифатининг яхшиланганини кўрсатади .

Томди тумани: 2022 йилда 2,7 ц/га, 2023 йилда 1,9 ц/га, 2024 йилда 2,1 ц/га ва 2025 йилда эса 2,38 ц/га тушган. Бу иқлим ўзгариши, ёғингарчиликнинг аввалги йилларга нисбатан камайганлигини кўрсатади.

Конимех туманида 2022 йилда 2,6 ц/га дан 2023 йилда 2,3 ц/га гача, тушган. 2024 йилда 2,4 ц/га ва 2025 йилда 2,1 ц/га пасайган. Бу иқлим ўзгариши, ёғингарчиликнинг аввалги йилларга нисбатан камайганлигини кўрсатади.

Хатирчи тумани: 2022 йилда 2,3 ц/га дан 2023 йилда 2,2 ц/га пасайган, 2024 йилда 2,5 ц/га ва 2025 йилда 2,4 ц/га ни ташкил қилган. Бу ҳудудда табиий яйловлар сифатининг яхшиланганини кўрсатади.

2022-2025 йилларда ўтказилган табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги кузатишлар натижасида вилоят бўйича табиий яйлов ўсимликлари билан қопланиш даражасини таҳлил қилганда, аксарият туманларда қопланиш даражаси деярли сезиларли ўзгариш бўлмаганлигини кузатиш мумкин (2-жадвал). Лекин, табиий яйловлар ўсимликларининг ҳосилдорлиги, озуқа бирлиги сезиларли даражада фарқ қилади (1-жадвал).



Навоий вилояти ҳудудида 2022-2025 йилларда ўтказилган табиий
яйловлар ўсимликларининг мониторинг натижалари асосида таққослама

жадвал

(ўсимликлар билан қопланиш даражаси бўйича, %)

Туман	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Нурота	65	68	69	63
Ғозғон	65	63	66	65
Навбаҳор	65	55	61	65
Қизилтепа	57	44	49	62
Кармана	60	48	59	63
Учқудуқ	71	54	61	70
Томди	60	55	61	65
Конимех	65	57	62	63
Хатирчи	54	53	61	63
Вилоят бўйича	62	55	61	64

Чўл яйловларида ўрнатилган мониторинг пункти майдонини мақбуллаштириш орқали яйлов ўсимликлари ҳолатини баҳолаш аниқлиги оширилишини илмий жиҳатдан асослаш.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики республикамизда табиий яйлов ўсимликлари мониторинг тадқиқотларини юритиш, хусусан, табиий яйловлар тўғрисидаги

миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳақида ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида табиий яйловлар ўсимликларининг ҳолати, табиий яйловлардан фойдаланиш натижасида юзага келаётган ўзгаришлар юзасидан мунтазам кузатувлар олиб бориш ҳамда мониторинг юритиш усулини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Пировард натижада бу борада ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган кечиктириб бўлмайдиган қарорларнинг ижросини бажариш бўйича сезиларли ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси 1998 йил 30 апрель.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги “Яйловлар тўғрисида”ги ЎРҚ-538-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ги ПҚ-5006-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон “Маъмурий ҳудудий бирликлар чегарасини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш” тўғрисидаги Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 737-сон Қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 майдаги “2026 — 2030 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарори.

7. Рузметов.М.И, Тураев.Р.А, Давронов.О.Ў, Норкулов.М.Н, Акрамов.И.Л., ва бошқ. Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма, Тошкент, “Ўздаверлойиха” ДИЛИ, 2022. - 156 б.

8. Давронов О.Ў., Акрамов И.Л., Парпиев Ғ.Т., Ҳожиёв Қ.М., Норкулов М.Н., Бағбеков Ҳ.К., Хакимов Б.Б., Хаитова К.М. Табиий яйловлар мониторингини юритиш ишларини амалга ошириш бўйича қўлланма / Илмий-услубий қўлланма. - Тошкент: “Турон-Иқбол”, 2023. - 36 б.

9. Тураев.Р.А, Парпиев.Ғ.Т, Давронов.О.Ў, Норкулов.М.Н, Акрамов.И.Л, Хаитова.К.М, Тожиёв.З.Т, Бағбеков.Х.К, Неъматов.И.Р, Иминов.Ў.Х, Ғаниев.О.О. «Яйлов ерларини ҳатловдан ўтказиш бўйича услубий қўлланма» Илмий-услубий қўлланма. —«Зилол булоқ» нашриёти Тошкент. 2024. - 18 б.

10. Давронов О.Ў. Масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш. Диссертация автореферати, 2022. - 132 б.

11. [https://api-portal.gov.uz/uploads/184/2026/06/02/cc6940d9-ced4-39b9-4c5c-498e7e8b7e9b_media .pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/184/2026/06/02/cc6940d9-ced4-39b9-4c5c-498e7e8b7e9b_media.pdf) (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ер ҳисоботи ҳақидаги маълумотлар Т Ў П Л А М И (2026 йил 1 январ ҳолатига)

12. “Наввилерлойиха” бўлинмаси томонидан ўтказилган “Навоий вилоятидаги табиий яйловлар ўсимликлари ҳолатини мониторинг қилиш тўғрисида”ги ҳисобот (“Ўздаверлойиха” ДИЛИ архиви, 2025 йил декабрь)